

## Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев Германия Федерал Канцлери Фридрих Мерцни ушбу лавозимга сайлангани муносабати билан табриклади ва эзу тилакларини билдирди. Давлатимиз раҳбари ўз мактабида Канцлер раҳбарлигидаги Хукуматнинг бошқаруви остида Германия жаҳоннинг етакчи демократик ва иқтисодий ривожланган мамлакатига сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлашда давом этишига ишонч билдирди.

Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тақлифига биноан 8-9 май кунлари амалий ташриф билан Москва шаҳрида бўлади.

Узбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Адхам Юсупович Худойкулов Узбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги директори лавозимига тайинланди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида тиббиёт соҳасидаги устувор вазибалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз тиббиёт соҳасидаги муаммоларга ечим топиш бўйича қилиниши лозим бўлган ишларни белгилаб берди ва янги ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан: Давлат раҳбари ногиронликни белгилашда ВКК – врачлик-маслаҳат комиссиялари деган коррупцион тизимдан тўлиқ воз кечилишини маълум қилди.

«Эндиликда ногиронлик оилавий шифокор расмийлаштирилган ҳужжат асосида тиббий-иқтисодий экспертиза комиссияси томонидан белгиланади. Шу билан бирга, касалликларни барвақт аниқлаш ва асоратларини камайтириш бўйича ҳам янги маҳаллабай тизим бўлади», деди Президент.

Мутасаддиларга бу тизимни 1 июндан Тошкент шаҳри ва Навоийда, 1 сентябргача қолган ҳудудларда тўлиқ жорий қилиш топирилди.

Йиғилишда юқумли касалликларнинг олдини олиш, гигиеник маданиятни шакллантириш мақсадида барча мактаб, боғча, техникум, олий ўқув юртлири, поликлиника ва шифоналарда «Тоза қўллар» дастури амалга оширилиши, ҳар бир иқтисодий соҳа муассасаси тоза, озода бўлиши, унда одамлар учун қўлай санитар-гигиена шароити яратилиши шартлиги қайд этилди.

Йиғилишда мамлакатда болалардаги онко-гематология касалликларининг яримдан кўпи сўнгги босқичларда аниқланаётгани қайд этиб ўтилди. Шу боис, худди онкологияда бўлгани каби болалар саратонига қарши курашиш бўйича ҳам беш йиллик дастур қабул қилиниши ва бунга камида 110 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Президент Мирзиёев тиббиётда дуал таълимни тўлиқ жорий қилиш мумкинлигига эътибор қаратди.

Мутасаддиларга Қорақалпоғистон, Фарғона ва Урганч тиббиёт олийгоҳларига молиявий мустақиллик бериш, Қорақалпоғистон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Урганч тиббиёт олий ўқув юртлири клиникасини ҳам уларнинг тарихий тузилмасига ўтказиш топирилди.

Фаолиятда йўл қўйилган камчилик ва хатолар учун соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари Д. Султанов, Ф. Шарипов лавозимидан озод этилди, вазир ўринбосари О.Омонов 6 ойда рақамлаштиришда ўзгариш қилмас, ишдан олиниши ҳақида огоҳлантирилди.

## ЖИМЛИК ЧИММАТИНИ ЁРИБ ЧИҚҚАН НУР



### Ёхуд Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифидан кейинги ўйлар

2-, 3-саҳифаларда ўқинг...

## ДУНЁГА НАМУНА БЎЛАЁТГАН АМАЛИЁТ

Гендер аудити ҳамда хотин-қизлар ва эркеклар тенглигини таъминлаш соҳасида Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан биргаликдаги фаол ишмиз БМТнинг «Пекиндан 30 йил кейин: 12 та асосий йўналиш бўйича Пекин ҳаракат платформасини қўллаб-қувватлашда гендер ёндашувини жорий этишнинг истиқболли амалиётлари» номли янги нашрида ўз аксини топди.

Тўплам БМТнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглиги бўйича идоралараро тармоғи томонидан тайёрланган ва нашр этилган. Унда Ўзбекистонда Гендер аудити дастури бўйича Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик лойиҳаси ҳамда Федерация томонидан амалга оширилаётган ишлар жаҳон миқёсидаги илғор тажрибалардан бири сифатида батафсил баён этилган.

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг сиёсий ва қонунийлик чоралари орқали хотин-қизлар ва эркекларга тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш бўйича ислоҳотлари, шунингдек, уларни самарали амалга оширишдаги чора-тадбирлари кўрсатиб ўтилган. «2017 йилдан буён Ўзбекистон барча соҳаларда сезиларли ютуқларга эришди», деб таъкидланган нашрда.

Узбекистон Республикасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг равишда иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам қонуний асослар яратилмоқда. Хусусан, иккита муҳим қонун – «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни таъйиқ ва

зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган қайд этилган.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг эътироф этишича, Ўзбекистон меҳнат соҳасида аёлларнинг аҳолини яхшилаш бўйича ҳам маълум бир қадам ташлади.

Шу ўринда айтиш керакки, «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақидаги қонун билан Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида Гендерга оид аудит ўтказилиши белгиланди. Мақолада шу мавзуга ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Гендерга оид аудит, тасдиқланган уч йиллик режага асосан, Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилади. Бунда фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинди, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич яратилмоқда. Хусусан, иккита муҳим қонун – «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни таъйиқ ва

қонун билан касоба уюшмаларига берилган ваколатни


амалга оширишда тизимли ишлар олиб борилмоқда. БМТ тўпламидаги мақолада Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан биргаликда «ХМТ дастури: Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича координаторларни сертифицициялаш курси»да таълим олиш лойиҳасини амалга оширгани ҳақида ҳам ижобий фикрлар қайд этилган. Федерация тизимида фаолият олиб бораётган 10 нафар ходим ХМТнинг Халқаро ўқув марказида билимларини ошириб, яқиний тест ва имтиҳонлар сунъий интеллект томонидан баҳолангани ҳамда Халқаро реестрга киритилган Марказий Осиёдаги биринчи муассаса Ўзбекистон касоба уюшмалари экани кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон тажрибаси дунё давлатларида намуна сифатида кўрсатилган мақолада партисипатив гендерга оид аудит ҳақида батафсил маълумот берилган. Гендерга оид аудит ўтказишда партисипатив (participate) ёндашув – гендер аудит ўтказиладиган ташкилот раҳбарияти ва ходимлари ҳамкорлиқда мазкур ташкилотда гендер тенглигини, яъни хотин-қизлар ва эркекларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлаши бўйича биргаликда иш олиб боришларини аниқлатади.

Партисипатив гендерга оид аудит (PGA) ташкилот учун «тест» (синов) эмас, PGA ўтказувчи эса, «гендер полицияси» эмас. У барча томонлар манфаатини ўз ичига олган ўз-ўзини баҳолаш жараёнидир. Чунки ҳақиқий ўзгариш ичкаридан бошланади. PGA жараёнида жинс ҳақида «маърузалар» қилмасдан маълумот тўплаш керак, тавсиялар эса, ходимлар фикрига асосла-

### SUPPORTING A GENDER-EQUITABLE ECONOMY

SUPPORTING THE DEVELOPMENT OF GENDER-RESPONSIVE POLICIES AND PROGRAMMES



#### OVERVIEW

Since 2017, Uzbekistan has made significant strides in promoting gender equality through policy and legislative reforms, but challenges remain in their effective implementation. Gender disparities persist across various sectors, from the labour market to societal norms. To address these issues and enhance institutional accountability in advancing gender equality, the Government of Uzbekistan introduced a national gender audit programme in 2022, the first of its kind in Central Asia, as part of the Law on Guarantees of Equal Rights and Opportunities for Women and Men.

In this context, the Federation of Trade Unions of Uzbekistan (FTU) has been tasked with conducting gender audits of government bodies as part of a three-year plan. To support this effort, the ILO launched its Participatory Gender Audit (PGA) programme in

Uzbekistan, building the capacity of FTU members. The ILO provided training on its PCA methodology and supported FTU in conducting its first audit, which focused on the Ministry of Finance and Economy, with the aim of promoting gender mainstreaming in public administration.

#### GENDER MAINSTREAMING THROUGH PARTICIPATORY GENDER AUDITS

The ILO's Participatory Gender Audit programme, a well-established methodology after two decades of use, offers a comprehensive assessment of an organization's progress in gender mainstreaming. It has gained increasing attention from ILO constituents, donor agencies, training organizations and academic institutions due to its effectiveness in promoting gender equality. The PGA serves as both a tool and process to encourage group learning at individual,



Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

# 1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

Ноҳира ҒОЙИБНАЗАРОВА,  
Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерациясининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

1

Хоразм – нафақат мамлакатимиз ёки минтақамиз, балки башариёт тарихида юксак ўрин тутадиган ўлка. Буни билган одам билади, билмаганлар уни республикамиздаги ўн уч маъмурий ҳудуднинг биттаси, деб ўтиб кетаверади.

Нуфузли манбаларнинг тушунтириш беришича, қадимда Катта Хоразм номи билан аталган давлат инсоният тамаддуни тараққиётида кўхна Миср, Бобил, Ҳинд давлатчилиги билан беллаша оладиган ўтмишга эга бўлган. У асрлар давомида Ўрта ва Кичик Осиё, Евроосиё халқларининг ўзаро муносабатларида муҳим воситачи вазифасини бажариб келган.

Хоразмда оёққа турган давлатлар нафақат минтақамиз, шу билан бирга, Эрон, Ҳиндистон, Европа халқлари ҳаётига ўз таъсирини кўрсатган. Бу таъсир фақат иқтисодий ёки ҳарбий-сиёсий эмас, балки зеҳният омили билан боғлиқлиги, цивилизацияга дахлдорлиги билан янада аҳамиятлироқ эди. Гапимиз асосиз бўлмаслиги учун шу ерда америкалик йирик сиёсатчи олим, «Марказий Осиё ва Кавказ» институти директори Фредерик Стардан айна мавзуда бир иқтибос келтирамиз. У юртимизнинг қадим маданияти ва илм-фан, кенгроқ айтганда, биз бугун биринчи Ренессанс, деб атаётган нодир ходисани шарҳлаётиб бундай дейди: «...800-1100 йиллар орасида Марказий осийлик бу олим, санъатшунос ва мутафаккирлар плеядаси минтақани дунёнинг интеллектуал марказига айлантириди. Уларнинг таъсир доираси Шарқий Осиё ва Ҳиндистондан Европа ва Яқин Шарққа таралган эди».

Дарҳақиқат, Хоразм, бугунги «сиёсий тил»да айтганда, ўз даврининг маданий, сиёсий-иқтисодий доминант ўйинчиси – актори ва муносиб кудрати («деяржа») бўлган. Унинг ҳудуди Амударёнинг қуйи қисмидан Жанубга томон Мурғоб ва Тажан дарёларининг бошланиш қисмигача чўзилган.

Бу ўлка ҳақидаги дастлабки маълумотлар зардуштийликнинг асосий манбаси «Авесто», Доро I нинг Биҳистун тош битиклари, қадимги юнон муаллифлари, араб географларининг асарларида учрайди. Масалан, «Авесто»нинг «Яшт» қисмида Хоразм «Минг ирмоқли дарё», «Кўллар ва ўтлоқларга бой ўлка» сифатида мадҳ этилади.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарига шундай ёзади: «Хоразмликлар Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар. Бу Искандардан 980 йил илгари бўлган эди. Ундан кейин Сиёвуш ибн Кайковуснунг Хоразмга келишидан, Кайхусрае ва унинг наслининг Хоразмга подшоҳлик қилишларидан тарих олдилар. Шу вақтда Кайхусрае Хоразмга кўчиб, турк подшоҳлари (устидан) ҳукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишдан 92 йил кейин бўлди».

Бу шуни кўрсатадики, уч минг йил олдин ҳам Хоразмда бизнинг аجدдоларимиз яшаган ва бу ерларда давлатчилик маданияти бўлган. Мисол учун, Геродот қадимда Окс (Аму) дарёси бўйлаб 360 дан зиёд сунъий сўғориш иншоотлари барпо этилгани ҳақида ёзиб қолдиргани фандан маълум. Бундан ташқари, дастлабки шаҳарсозлик тимсоли бўлган шаҳар-қалъалар – Қалъалиқир, Кўзалиқир, Жонбосқалъа каби олис ўтмишдан сўзловчи археологик иншоотлар Хоразм воҳасидаги қадимий давлатчилик белгилари, десак, ҳеч адашмаган бўламиз.

Бу ўтмиш, албатта. Аммо келажак доим тарих устига қурилишини ҳисобга олсак, Хоразмнинг асл салоҳияти, шуҳрати ва қудратини ҳис қиламиз. Аммо, таассуфки, кўпчилигимиз замонлар шиддати дунёга доврўқ солган бу диёрни ўтмиш саҳифаларидан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилганига ҳам гувоҳ бўлдик. Олис тарихни қўйиб турайлик, кечаги кунларимизда ҳам «Хоразм» сўзи сиёсий дискурслардан «чекиниб», маиший гурунлардагина ишлатиладиган мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг компоненти – таркибий қисми даражасига тушиб қолганига кўпчилигимиз шоҳидмиз.

Мен яхши эсламан, мустақиллигимизнинг ўтган деярли 25 йилида воҳадагилар «изчил ислохот»лар ҳақида гап кетганда, эски Питнак, ҳозирги Тупроққалъа туманидаги «Дамас» автомобиллари йиғиладиган чоғроқина завод ҳақида гапиришарди, холос. Айниқса, муҳбирга рўбарў келиб қоладиган масъул ёки фаолга бундай пайтларда қийин бўлганини тасаввур қилса бўлади. Чунки мустақиллиқни улғувовчи кўрсатув ёки мақолани жимжимадор қилиб «безаб чиқиш»га шу заводдан ташқари арзирли бир гап топиб гапиришнинг ўзи қийин эди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам бундан 7-8 йил аввалги Хоразм ҳақидаги кўрсатув ёки мақолаларни кузат-

# ЖИМЛИК ЧИММАТИНИ

## Ёхуд Президент Шавкат Мирзиёевнинг

сангиз, гап, асосан, воҳанинг тарихи, санъати ҳақида кетарди...

Бугун эса бу ерда амалга оширилган ишларга ҳавас қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ.

2

– Вилоятимиз узоқ йиллар эътибордан четда қолгани бор гап, – дейди хоразмлик оқсоқол, Хоразм вилояти «Нуроний» жамғармаси раиси Рустам Султонов. – Мен бировага маломат қилдиған ёшда эмасман. Бу йил 87 га кирдим. Бир гапни очиб айтаман, эътибор берилмаган, назардан четда қолган одам ҳам, жой ҳам, жайдарчасига айтганда, кўкармайди. Бунинг исботини биз кўрдик. Узоқ пайтлар вилоятимиз марказининг назаридан четда қолди. Бунинг тирик жон борки, ҳис қилди. Жамоатчилик орасида аралашиб юрган учун яхши биламан, 5-6 йиллаб бу ерга марказдан, ҳатто, нуфузлироқ тўрт-беш вазир келганини эслаб олмаимиз. Гўёки биз унутилдик, ҳаммамизнинг эсидан чиқиб қолдик...

Оқибат нима бўлди, кўзимиз билан кўрганамиз – вилоятнинг ҳам, аҳолининг ҳам шўри қурий бошлади. Бир тасаввур қилинг, аниқ бир душман йўқ, ҳеч ким сизни «ёмон кўраман» деб очик ёки расмий равишда гапирмайди, аммо аҳвол ҳалиеидақа. Ҳаммамиз, сиз ҳам яхши биласиз, мустақиллигимизнинг илк йилларида иқтисодий «кризис» бўлиб, одамларнинг турмуш даражаси тушиб кетди. Ишлай десанг, иш йўқ, одамга ўхшаб яшаша шароит йўқ. Аммо кейин-кейин аҳвол ўзгарди, ҳақиқатиям айтиб қўйишимиз керак, албатта. Баъзи вилоятлардаги аҳолининг туриш-турмушини кўриб-эшитиб, очиги, ҳавас қилардик.

Айтмоқчи бўлган гапим – Хоразм ўша «кризис»нинг оғир ботқоғида ботиб қолгандай эди эўё. Кейин нима бўлди, деб сўрасангиз, унинг асоратлари янада оғриқлироқ бўлди. Одамлар қишлоқ-қишлоқ, маҳалла-маҳалла бўлиб четга – мардикорликка чиқиб кетди. Овулу шаҳарлар хувиллаб қолди. Эркакларнинг бари тирикчилик учун кетгач, маҳаллаларда чолу кампирлар, аёллар ва болалар қолди.

Сизга даҳшатли бир ҳодисани айтаман. Майли, ўзимизники бўлса-да, уялмайман. Чунки бу ҳақиқат! Қайси бир йиллари Хива туманидаги Қосма қишлоғида жаноза бўлади. Майитни тобутга жойлагач, уни кўтариладиган битта бўлсин эркак топилмайди...

Энди айтинг, халқ учун бундан ортиқ яна қандай ситам бўлиши мумкин?! Ҳатто, уруш йилларида ҳам бундай бўлмаган, деб ўйлайман...

Одамлар шароит бўлмаганидан кейин иссиқ жойларини, Ватанларини ҳам ташлаб кетишга мажбур бўларкан. Ахир ҳаммаям болам-чақам дейди. Мардикорликдан ташқари, бизда кўп одамлар уйларини ташлаб, бошқа вилоят ва шаҳарларга ҳам кўчиб кетди. Мана, масалан, мен кўп эштаман, Тошкент атрофидаги ҳудудларда ҳозир хоразмликлар анча кўпайган. Тўғри, бунинг ёмон жойи йўқ – Ватан ҳаммамиз учун битта. Аммо бу ерда гап бошқа масалада. Кетаётган одам қишлоғи ё овулида кўраётган кундан розилиги учун кетаётгани йўқ... Мен ҳеч кимни ёмон демаган, ўтган кунларни қораламаган (чунки у кунлар ҳам бизнинг тарихимиз) ҳолда бир гапни сизга очиб айтаман. Мендан яқинларим, ҳатто, набираларим Шавкат Мирзиёевни нега бунча яхши кўрасиз, деб сўрашади. Жавобим битта: бу одам Хоразмнинг гурурини, шаънини қайтарди, дейман.

Узингиз ўйланг, давлат теласига келганига етти йил бўлган бўлса, Хоразмга бу галгис, адашмасам, ўн иккинчи сафари бўлади. Яна ҳар келганида куруқ қўл билан эмас, шу элга наф берадиган, одамларимизнинг турмушини фаровонлаштирадиган таклиф ва ташаббуслар билан келади. Триллионлаб маблағлар, чет эллик ҳамкорларни бу ёққа олиб келиб, вилоятимиз ободлиги, одамларимиз фаровонлиги учун ишлатиш ўзидан-ўзи бўладиган иш эмас-ку!

Мен Шавкат Миромонович Хоразмнинг шаъну шавкатини қайтарди, деганимда яна бир чуқур ўйни хаёлимдан ўтказдим. Бу – воҳанинг тарихи, қадриятлари, маданияти ва санъати билан боғлиқ. Бу инсон 2022 йилда Урганчда Жалолiddин бобомизнинг жуда улкан ҳайкалини ўрнатиб, унинг пойида сўзлаганда кўзига ёш олмаган асл Хоразм фарзанди қолди, деб ўйлайсизми?! Ҳолбуки, Жалолiddиннинг номи ҳам, жасорати ҳам неча асрлардан буён бор эди. Ватанамизнинг бу ёвқур ўғлини кўрсатган жасорат нафақат Хоразмнинг, балки минтақамиз, қолаверса, бутун туркий дунёнинг фахри эди.

Ана шу кўмилиб ётган жавоҳир, тарихнинг синдириб бўлмас адолатини ким тиклади? Шавкат Мирзиёев! Шунча ишни қилган ватандошимни, Юртбошимни қандай яхши кўрмаслигим мумкин, ахир?!

3

Очиги, оқсоқолнинг гаплари мени жуда таъсирлантирди.

Тўғри, Президентимиз бу ерда олиб бораётган комплекс ишлар бўйича озми-кўпми хабаримиз бор эди. Аммо кўпчилик қатори бу ишларга фақат вилоятнинг маиший-иқтисодий аҳолини яхшилаш сифатида қараганим хато эканини шу суҳбатдан кейин тушундим. Шавкат Миромонович масаланинг ичига чуқурроқ кирган экан. Яъниким халқнинг рўзгорини бутлаш билан бирга, унинг кадр-қиммати, ғурурини ҳам жойига қўйиш, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ҳам дилига туккан экан.

Шу ўринда мен Президентнинг «Арда Хива» очилиш маросимида қилган нутқидан бир неча иқтибос келтирмоқчиман. Зеро, улар мазмун-моҳиятига кўра, ҳозир мулоҳаза қилаётган фикрларимизни баҳоли кудрат қўллаб-қувватлайди.

Мана, улар: «Хоразм дунё цивилизацияси ва маданиятига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ гавҳаридир. Бу кўхна юрт жаҳонга донги кетган не-не олим уфозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакрор шоир ва ҳофизлар Ватанидир.

Илм-маърифат машъаллари бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, ватанпарварлик тимсоли бўлган Нажмиддин Кубро ва Жалолiddин Мангуберди сингаир улуг зотлар халқимизнинг фахру ифтихоридир...».

«Биз аждодларимиз қолдирган беқиёс илмий-маънавий меросни асраб-авайлаш, бойитиш ва дунёга кенг тарғиб этишни ўз олдимизга улуг мақсад қилиб қўйганмиз. Шу боис Маъмур академияси биноси олдидаги 2 гектар боғ «Буюк алломалар» номли очик осмон остидаги «смарт» музейга айлантирилади. Шу асосда Хоразм юртида камол топган ўнлаб мумтоз аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой ижодий мероси интерактив усулда бир нечта хорижий тилларда сайёҳларга тақдим этилади.

Кўни кеча Урганч шаҳрида Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги янги университет ва IT мактабини ташкил этиш бўйича алоҳида қарорни имзоладим. Аминманки, бу таълим даргоҳлари бўлгуси хоразмийлар, берунийлар билан оладиган ўқув масканларига айланади».

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан янграган айна сўзлар қадим Хоразмнинг буюк тарихи, ўз даврида инсоният йўлини ёритган интеллектуал салоҳиятининг ҳақли маънода эътироф этилишини, бу нодир неъматларга ҳурмат бажо келтирилишини англатади, албатта. Ушбу мулоҳазалар тасаввуримда бир манзарани пайдо қилади. Бу бугунги янги дунёда қадим диёрнинг маънавий жиҳатдан қайта кашф этилиши, туғилиши билан боғлиқ уй-фирқалардир.

Мен сўзимнинг аввалида Фредерик Стар мақоласидаги иқтибосни бежиз келтирмадим. Америкалик олим айна сўзлари билан бу ўлка халқлари ўз ақл-идроки, зақоси билан вақтида дунёни измига бўйсундирган, ортидан эргаштирилган, бироқ ҳозир бу ерларда саҳронинг оғир бир сукунати ҳукмрон, аммо вақт келадики, бу чўккан «жимлик чимматини»ни бир кун яна куч-қудрат салобати, илму зиё нури ёриб чиқади, фақат бунинг учун тарихий зарурат ва кучли бир шахснинг қатъияти керак, деган фикрга ишора қилади.

Бугун биз яна бир нарсдан шодланишимиз керакки, ўша кунлар келди. Муҳтарам Шавкат Мирзиёев бугун ўз ғайрату шижоати, қалбидаги шу халққа бўлган сўнмас муҳаббати билан айна тарихий «жимлик»ни бузишга, сўнган чироқларни қайта ёқишга, ўтмишда боболаримиз забот этган манзилларни қайта эгаллашга барчамизни илҳомлантирмоқда, десам, тўғри айтган бўламан.

4

Мен Хоразмнинг бугунги замон адиблари орасида машҳур шоиримиз Омон Матжоннинг номини алоҳида тилга оламан. Унинг «Қуёш соати» номли китобига киритилган бир шеъри мени мудом ҳам ўйга толдиради, ҳам фикрий хассослиги жиҳатидан ҳайратлантиради. Уша шеърда шоир «Нега Хоразмда тоғлар йўқ?» деган саволни ўртага қўйиб, «Хоразмда тоғлар йўқ эмас, бор. Хоразм тоғлари воҳани тонгда қуёшдан тўсиб қўймаслик учун одамлар қиёфасида яшади!» Ва улар – Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, Ферузлардир», дея жавоб беради.

Ушбу шеърни мен айна дамда бекорга ёдга олмадим. Зотан, истеъдодли шоиримиз ўз асарига Хоразмнинг тоғлари сифатида тизиб чиққан рўйхатга бугун биз чексиз гурув ва ифтихор билан яна бир тоғ – воҳанинг тарихий қалбини, шавкатини, шонини қайта тиклаётган



# ЁРИБ ЧИҚҚАН НУР

## Хоразм вилоятига ташрифидан кейинги ўйлар

Шавкат Мирзиёев номини ҳам қўшиб қўйсақ, айна ҳақиқат бўлади, деб ўйлайман. Бунинг учун маънавий асос бўлиб хизмат қилувчи мулоҳазаларни юқорида айтиб ўтдик.

Шоирнинг бир вақтлар ёзган шеърини таҳрирлаш учун бошқа асосларимиз ҳам бор. Бу, ўлкада бугун кечаётган ободончилик, яратувчилик, элни рози қилиш йўлидаги хайрли ташаббуслар билан боғлиқ мулоҳазалардир. Айни замонда Қизилқум ва Қорақум саҳроларига туташ заминда улкан яратувчилик ишлари амалга оширилмоқдаки, буни, албатта, вилоятга келган одам остонаданок пайқайди.

Остона, деб шартли маънода атаётганимиз – Урганч халқаро аэропорти ва унинг биқинида қад ростлаётган Ал-Хоразмий шаҳарчаси бу гапимизга арзирли мисол бўла олади.

Мен Урганчга жуда кўп борганман ва аэропортида ҳам кўп бўлганман. Аммо унинг биқинида шундай муҳташам шаҳарча бунёд этилади, деган фикр ҳеч маҳал ҳаёлимга келмаган. Бугун бу ерда нафақат шаҳарча бунёд этилаётир, балки аэропортининг ўзи ҳам қайта реконструкция қилинмоқда. Корея Республикасининг «Incheon International Airport Corporation» компанияси умумий қиймати 223 миллион АҚШ долларлари бўлган лойиҳа доирасида катта ҳажмдаги ишларни бошлаб юборган. Бундан мақсад битта: вилоятда туризм салоҳиятини ошириш, халқимизга намунали авиация хизматлари кўрсатиш.

Қолаверса, юқорида айтганимиздек, аэропорт биқинидаги 130 гектардан зиёд ҳудудда муҳташам шаҳарча бунёд этилади. Яъни бу ерда келгусида технопарк ва офислар, тиббиёт ва маданият марказлари, хиёбонлар, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, савдо ва маиший бинолар бўлади. Шаҳарча марказида улғу бобомиз Ал-Хоразмийнинг қарийб 31 метрдан иборат муаззам ҳайкали ўрнатилади.

Айни вақтга қадар ушбу ҳудудда 72 та кўпқаватли уй қурилиб, 1 773 та хонадон аҳоли ихтиёрига топширилди. Бу йил яна 1000 хонадонли 28 та тураржой қурилиши белгиланган. Яқин истиқболда уларнинг сони 5 мингдан ортади.

Аслида сайёҳларнинг илк таассуроти аэропортдан шаклланади. Бинобарин, Урганч халқаро аэропортини модернизация қилиш, унинг ён-атрофида замонавий типдаги интеллектуал ҳудудни барпо этиш воҳа аҳлига қўлайлик яратибгина қолмай, ҳаво кемаларида Хоразмга, демакки, Ўзбекистонга учиб келаётган меҳмонларнинг мамлакат ҳақи-

даги тасаввурларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарур: бугун Хоразм аҳли ва меҳмонларига яратилаётган қўлайлик ва имкониятлар фақатгина вилоятнинг рамзий остонаси – аэропорт бўсағасида қолиб кетгани йўқ. Унинг жадал ва илҳомбахш суръатлари вилоятнинг барча соҳа ва жабҳаларида ўз аксини кўрсатяпти.

Хусусан, воҳа аҳлининг асрий орзумиди бўлган темирйўл транспорт-коммуникация тизими Президентимизнинг фаол саъй-ҳаракатлари билан илҳом рўёбга чиқа бошлади. Биргина Шовот – Гурлан – Қипчоқ темир йўлининг ишга туширилиши натижасида Россия ҳамда Қозғистондан юкларни ташини масофаси 240 километрга, ташини вақти эса 6 соатга қисқарди. Бухоро – Урганч – Хива темир йўлини электрлаштириш муваффақиятли яқунланди. Келгусида Жанубий Кореянинг «Hyundai Rotem» компаниясидан юқори тезликда ҳаракатланувчи 6 та электропоезд харид қилиниб, «Тошкент – Хива» йўналишида қатновлар йўлга қўйилади. Натижада Тошкентдан Хивага бориш учун оддий поезддан сарфланаётган 14 соатлик вақт 7 соатгача, яъни икки баробар қисқаради.

Вилоятда темир йўл транспорти билан бирга, ички йўналишлардаги жамоат транспортининг ҳам хизмат сифати яхшиланиб борапти. Масалан, ўтган йили Хитойнинг «Zhongtong» компаниясида ишлаб чиқарилган 50 та замонавий автобус келтирилди. Ушбу автобуснинг сизими 70 кишилик бўлиб, Wi-Fi ва кузатув камералари билан жиҳозланган ҳамда ногиронлиги бор ва кексалар учун ҳам қўлай. Эътиборлиси, бундай шароитлар транспорт етишмовчилиги ва кўчаларда тирбандликнинг олдини олиб, фуқароларнинг эркин ҳаракатланишига хизмат қилмоқда.

Албатта, бу ҳали ҳаммаси эмас. Вилоятда тадбиркорларга яратилаётган мислсиз имкониятлар туфайли йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан бирга, яқка тартибдаги ишбилармонлар, ўзини ўзи банд қилган аҳоли сони ҳам кундан-кунга ортиб бормоқда.

Мебелсозлик шулар жумласидан. Бугунги кунда вилоятда 300 дан ортиқ корхоналар шу фаолият билан шуғулланади. Соҳадаги яқка тартибдаги тадбиркорлар 200 дан ортиқ, 1 минг 300 дан зиёд аҳоли ўзини ўзи банд қилган. Лекин уларнинг кўпчилиги тор жойда, нуқулай шароитда ишларди.

Ҳозир эса шароит бутунлай ўзгарди – давлатимиз раҳбарининг меҳор саноатини ривожлантиришга оид қарорига му-

вофиқ, Хонқа туманидаги 10 гектар ерда меҳор маҳсулотларини кластер усулида ишлаб чиқариш, кўрғазма ва савдо объектларини ўз ичига олган саноат зонаси ташкил этилди. Пировардида бу ерда Германия, Италия, Швейцария, Туркия, Хитой каби давлатлардан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилиб, қиймати 10 миллион доллардан иборат 61 та корхона фаолият бошлади. 650 киши эса иш билан таъминланди.

Айтиш жоизки, саноат зонасида энергия самарадорлиги ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Мухими, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташқи бозорларга ҳам йўналтирилиб, 3 миллион доллардан зиёд экспорт қилиниши мўлжалланган.

Мени Хоразмда илҳомлантирган энг муҳим воқеалардан бири – Президентимизнинг Хонқа туманидаги «Собиржон Юсуф» оилавий фермер хўжалиги раҳбари Ойимжон Отажанова билан учрашгани бўлди. 73 ёшга кирса-да, ер билан «тиллашиш»дан, «диллашиш»дан асло қарчамаган бу аёл, айтиш мумкин бўлса, Юртбошимиз илгари сурган ташаббус – томорқачилик сийосатининг ёрқин намунаси, десам, янгилимаган бўламан.

Президентимизнинг машҳур бир ибораси бор. У киши узоқ йиллар амалга оширмай ётган ташаббуслар ижобатини кўрганда, одатда, кўнгли қувончга тўлиб, шу иборани қўллайди: қилса бўлар экан-ку! Мен опанинг ғайрати, хўжалигидаги ишлар кўлами ва унумини кўрганимда шу гап ҳаёлимда жонланди. У бугун ўз хўжалигига қарашли 3 гектар майдонда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштиради. Яна икки гектарда боғдорчилик билан шуғулланади. Қолаверса, 12 сотихли иссиқхонада 40 турдаги гул кўчатларини парвариш қилади. Иссиқхона замонавий сув тежамкор технологиялар билан таъминланган бўлиб, унинг ҳар бир бўлимида кўчатларнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб зарур микроклим яратилган.

Серғайрат бу аёл йилига 50 минг тупдан ортиқ кўчатлар ўстириб, сотувга чиқаради. Ҳозир улар қўшни ҳудудлар, Қозғистон ва Туркменистонга ҳам етказиб берилмоқда. Йиллик даромад ёмон эмас – нақд бир миллиард сўм!

Фидойи миришкорнинг ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлашдаги ҳиссаси ҳам катта экан. Ҳозиргача унинг 200 дан ортиқ шоғирдлари бор. 300 нафар ишсиз фуқарога кўчатчилик сир-саноатларини ўргатиб, маҳалласидаги 70 фойз хонадон билан касаначиликни йўлга қўйган.

Шу ўринда бир гапни айтмай, Ойимжон

опа ёрдамида бугун ҳаётда ўз йўлини топган ўнлаб хотин-қизлар бор. Уларнинг аксарияти бир пайтлар хорижга мардикор сифатида чиқиб кетиб, қийин аҳволга тушиб қолганди.

Энди бир ўйланг, Хоразмда Ойимжон опадек аёллар, инсонлар биттами? Йўқ, улар кўпчиликини ташкил қилади. Ўнлаб-юзлаб яратилаётган янги иш ўринларига ишсиз аҳоли қамраб олинмоқда. Ҳа, бугун хоразмликлар аста-секин олис ўлкалардан юртга қайтмоқда. Президентимиз сийосатидаги инсоний принципларнинг асл ўзақларидан бири ҳам шу аслида.

5

Буюк ренессанслар маданиятлараро мулоқотлар орқали ҳосил бўладиган ҳодиса, дейишда олимлар. Бу, бор гап.

Тарихимизни қарасак, ўтмишда юз берган икки Ўйғониш даври ҳам ривожланган давлатчилик паллаларига тўғри келади. Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ватанимиз қачонки, савдо-сотик, туризм, борди-келдиларга очик бўлган замонлардагина бу ҳодиса юз кўрсатган. Чунки бу ўлкага келаётган савдогар ҳам, сайёҳ ҳам, ҳеч шубҳасиз, ўзи билан бирга ўз маданиятини олиб келади ёки аксинча. Шунинг учун ҳам бугун Президентимизнинг дунё давлатлари билан олиб бораётган дўстона муносабатлари, туризмга ривожланишиимизнинг асосий драйвери сифатида баҳо бераётганининг асл сабаблари шу ерда, десак, тўғри бўлади, назаримда.

Хоразм ҳам мамлакатимиз туризм гавҳарларининг бир шодаси. Шунинг учун кейинги йилларда вилоятда айни соҳага юксак эътибор қаратилаётир ва ютуқлар ҳам ёмон эмас.

Буни ҳудудга хорижий сайёҳларнинг ташрифи етти-саккиз йил олдинги даврдагига нисбатан 30 баробар кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Соҳадаги ўзгаришлар ҳисобига бугун вилоят туризм хизматлари экспорти 2017 йилдаги 7 миллион доллардан ўтган йили 380 миллион долларга етди.

Тасаввур қиялсизми, ўртадаги фарқ 8 йил ичида қарийб 55 баравар ортган. Албатта, бу рақамлар қандай заҳматли саъй-ҳаракатлар эвазига зоҳир бўлаётганини барчамиз кўриб, билиб, ҳис этиб турибмиз. Бинобарин, бугун кўҳна кент ичра қад ростлаган яна бир бетақорор шаҳар – «Арда Хива» ана шу саъй-ҳаракатларнинг маҳсулидир, десак, сира хато бўлмайди.

Эсимда, илгари Хоразм туризми

ҳақида гап кетганда кўпчиликининг ҳаёли фақатгина Ичан қалъа келар эди. Бироқ кейинги вақтларда бу борадаги тасаввурлар бутунлай ўзгарди. Вилоятда туризмни ривожлантиришга алоҳида стратегик йўналиш сифатида қаралиб, тарих ва замонавийликни ўзида мужассам этган йирик туристик мажмуалар барпо қилинди. Сайёҳлар учун қирқдан ортиқ туристик йўналишлар ишлаб чиқилиб, уларнинг сони юзтага етказилди.

Дарвоқе, «Арда Хива» ўзида тарих ва бугунни уйғунлаштирган меъморий ечим билан ноёб лойиҳа саналади. У 25 гектарлик паст унумли, шўрхок майдонда қурилган бўлиб, унинг меъморий ечимини Ичан қалъанига ўхшаб кетади. Фақат уларни битта фарқ ажратиб туради – бунёд этишга кетган муддат. Ҳаммамиз яхши биламизки, Ичан қалъа хонликлари замонида асрлар давомида қурилган. «Арда Хива» эса атиги 9 ойда барпо этилди.

Йилига 3 миллион нафар сайёҳни қабул қилиш имконига эга ушбу муҳташам халқаро туристик масканда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, очик ва ёпиқ аквапарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўрғазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та хунармандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, соҳил бўйи йўлаги бор. Айниқса, унинг бир томони 150 гектарлик Ғовуқ кўлга туташиб кетгани лойиҳани сайёҳлар учун янада жозибador кўрсатишга хизмат қилади. Президентимиз таъбирлари билан айтганда, «Ичан қалъа» тарихий бўлса, «Арда Хива» Хоразмнинг замонавий «ташриф қорғози» бўлади.

Маълумот учун айтиш ўринлики, яқин истиқболда Хива туманида «Арда Хива» сингари яна бир мажмуа – «Саҳро юлдузи» номли янги туристик комплексни барпо этиш режалаштирилган. Унда меҳмонхоналар, кўнгилочар марказлар, гастронимик ва савдо кўчалари, музейлар, экойилар, ёзги лагер, экстремал туризм жойлари бўлади.

Шунингдек, Тупроққалъада чўл ҳудудидаги 5 минг гектар ерда сафари ва ов туризми ривожлантирилади. Урганч шаҳри, Шовот, Қўшқўпир, Хива ва Ҳазораспдан оқиб ўтадиган Ғазовот, Полвон, Шовот каналлари бўйларида 50 миллион долларлик 80 та хизмат кўрсатиш, савдо-кўнгилочар объекти ишга туширилади. Богот, Гурлан, Янгибозор ва Урганч туманларида туризм қишлоқлари ташкил этилади. Қисқаси, буларнинг барчаси вилоят туризми ривожига янги саҳифа очиб беради.

Хоразмга ташрифи давомида давлатимиз раҳбари ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича «Йўл харитасини ҳам белгилаб берди. Хусусан, воҳанинг энг чекка тумани – Тупроққалъада йирик газ-кимё мажмуаси, Ҳазораспда кимё, Қўшқўпирда «Ўзбекистон – Хитой» технопаркларини қуриш, шунингдек, Тупроққалъадаги автомобиль заводидида «Евро-5» стандартига жавоб берадиган автомобиль ишлаб чиқариш, иқтисодиёт соҳасида эса ялпи ҳудудий маҳсулотни 60 триллион сўмдан ошириб, 265 минг аҳолини иш билан таъминлаш, 104 минг одамни камбағалликдан олиб чиқиш вазифаси қўйилди.

Албатта, статистика – бу статистика, деб қарайдиган одамлар бугун ҳам орамизда бор. Аммо унинг ҳаётдаги аксини кўрганда ҳеч ким бу маълумотларни рад этолмайди. Бугун Хоразм воҳасидаги ҳаёт ритми шундай ишонч устига қурилмоқда. Шаҳару қишлоқлар, овулу маҳаллаларда одамлар гавжумлашмоқда, йўқотилган ишонч тикланмоқда. Мухими, одамларимиз буни ўз турмушларида ҳис этишмоқда.

Мақоламизда вилоят оқсоқоли Рустам оғанинг ғамгин ҳикоясини келтирган эдик. Аммо у биз айтмоқчи бўлган мулоҳазаларнинг лейтмотиви эмасди. Бу фикрни у кишининг ўзлари ҳам «Мен ўтган замондан ёки кимдандир маломат қилмайман», деган мазмунда айтиб ўтди. Бизнинг асосий ва қайта-қайта такрорламоқчи бўлган фикримиз шунда эдик, буюк ишларни фақат буюк қалб эгалари қила олади.

Айни ўйларимизни Президентимизнинг Хоразмга ташрифи давомида гулланлик ўқитувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Анор Маҳмудова образли тарзда жуда чиройли ифода этди: «Ўзбекистонимизнинг меҳр кўеши, Президентимиз бугун биз билан бирга». Буюқларимиздан қолган бир гап бор: халқ ўз қаҳрамонларини танийди ва севади! Ҳа, шундай!

Қудратилла РАФИҚОВ,  
сийосатшунос



Хафта давомида қаттиқ ишлаб, жума кунни кечки пайт табиат кўйида, миллийликка бурканган муҳитда, яна жонли ижродаги куй-қўшиқларни тинглаб, рақслар томоша қилиб, ҳордиқ чиқаришга нима етсин?!

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касбаба уюшмаси Республика кенгаши ишчи-ходимларга ана шундай имкониятни тақдим этди.

Ўтган ҳафта кенгаш ташаббуси билан Ўзбекистон касбаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан ҳафталик ташкил этилган. Мазкур тадбирлар «Қадриятлар қадр топган уюшма» бадиий-музыкали кеча билан якунига етди. Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи музейида бўлиб ўтган байрамона дастур меҳмонлар ва иштирокчилар учун ўзига хос тўхта бўлди.

Унда санъатнинг анъанавий йўналишидан тортиб, миллий ва замонавий рақс, мақом, эстрада, халқ чолғулари йўналишидаги бир-биридан жозибали чиқишлар намойиш этилди. Айниқса, баҳова табиат бағрида,

жонли ижрода янграган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Тадбирда касбаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев иштирок этди. Меҳмонлар дастлаб узок йиллик тарихга эга амалий санъат ва хунармандчилик тарихи музейини томоша қилишди. 13 та кўргазмалар залига эга ушбу масканда юртимиз ҳудудларида аҳоли кенг шўғулланиб, ривожлантириб, санъат даражасига етказган хунармандчилик ишлари намуналарини кўришингиз мумкин. Масалан, Чуст дўппилари ва пичоқлари, Марғилон атласлари, Риштоннинг сопол идишлари, зардўзлик, каштачилик, гиламчилик намуналари... Улар билан танишар экансиз, халқимизнинг бой маданий мероси ва ижоди борлигини, аждодларимиз азалдан ижодкор бўлганини тушуниб етасиз.

Музей биносининг шарқона услубдаги кўриниши алоҳида бир тарих. Бу ерга келган туристлар нақшларни, улардаги ранглар уйғунлигини соатлаб томоша қилишади. Бухоро ва Хоразм услубидаги ноёб заргарлик ишлари кўргазмалар қаторидан жой олган бўлишига қарамасдан, нафис дид билан ишлангани боис жозибасини ҳали-ҳамон йўқотмаган. Музейда, шунингдек, ўлкамизнинг ҳар бир ҳудудига хос бўлган кийиниш маданияти, анъаналарини ҳам кўришингиз мумкин.

— Тўғриси айтсам, бугунги миллий руҳдаги кеча, жонли ижродаги чиқишлар менга жуда ёқди, — дейди Агрисаноат мажмуи ходимлари Республика кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими мудири Шоҳида Бегимқулова. — Ижрочиларнинг кўпчилигини таннимасак-да,

аммо истеъдодли ёшлар экан. Уларни кўпроқ саҳнага олиб чиқиш керак, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Ҳа, ташкилотчилар бадиий-музыкали кечани касбаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишлаб, ушбу давлат жамоатчилиги уюшмаси барча санъат турларини қадрлаб келаётганини, йиллар давомида маданиятимиз қанчалик ривож топганини кўрсатиб беришни мақсад қилганди. Меҳмонлар олқишлари, юз-кўзида порлаб турган қувонч ва ҳаяжонлардан ана шу мақсадга эришилганини сездик. Зеро, ўзлимиз, миллийлигимиз бизнинг бир қисмимиз, ҳамроҳимиз. Тадбир иштирокчилари буни яна бир бор дилдан ҳис қилишди.

Зебо **НАМОЗОВА**  
«ISHONCH»



Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида Кашмир муаммоси ҳақида мақола эълон қилинган, унда «Яқин ҳафтalarda қабул қилинадиган қарорлар нафақат бутун минтақа, балки глобал хавфсизлик архитектураси барқарорлигига ҳам таъсир қилади. Чунки бу икки ядровий давлат ўртасидаги зиддиятдир», дея қайд этилганди.

Афсуски, бу қарорлар тинчлик сари етакламайдиган кўринади. 7 майга ўтар кечаси Ҳиндистон Покистон ҳудудларини бомбардимон қилди. Покистон жавоб қайтарди.

Ҳиндистон ўзининг «Синдур» деб номланган ҳарбий амалиётини бошлади. Деҳлининг баёнотига кўра, бу операция Покистон ҳудудидаги терроризм инфратузилмаси билан боғлиқ тўққизта объектга қаратилди.

Жавоб узок куттирмади: Исломобод Ҳиндистон ҳарбий базаларига зарба берганини ва бир неча Rafale қирувчи учоқларини уриб туширганини маълум қилди. Бу ҳолат икки ядровий давлат ўртасида тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашув бошланганини аниқлатади.

Расмий сабаб — 22 апрель кунини Ҳиндистоннинг Пахалган шаҳрида содир этилган террорчилик акти. Унда 26 нафар инсон ҳалок бўлган эди. Мазкур ҳужум учун масъулиятни Кашмир сепаратистлари билан боғлиқ бир гуруҳ ўз зиммасига олган.

Ҳиндистон Покистонни терроризмни қўллаб-қувватлаётганида айблади. Покистон эса бу айбловларни рад этиб, халқаро тергов ўтказишни таклиф қилди. Бироқ ушбу таклиф жавобсиз қолди.

Музокаралар ўрни ракета, дипломатия ўрни ультиматумлар эгаллади.

**«СИНДУР» АМАЛИЁТИ — РАМЗ ВА СТРАТЕГИЯ**

Ҳинд маданиятида синдур — турмушга чиққан аёллар сочи ва пешонасига суртилган қиримизи бўёқ. Ҳарбий амалиётнинг бундай номланишида қон маъносини аниқлаш қийин бўлмас керак.

Ҳиндистон зарбалар фақат террорчилар лагерларига қаратилди деган баёнот билан чиқди. Покистон эса ҳужумлар тинч аҳоли

яшаётган ҳудудларга берилганини таъкидламоқда. Маълумотларга қараганда, Музаффаробод шаҳридаги масжидлар вайрон қилинган, камида саккиз киши ҳалок бўлган, ўнлаб одамлар жароҳатланган.

Ҳиндистон томони амалиёт «ўлчовда ва эскалацияга олиб бормайдиган» тусда ўтказилганини айтган бўлса, Исломободда бу иддао кескин инкор қилинди.

«Жавоб вақти, жойи ва усули — фақат бизнинг танловимиз бўлади», деди генерал Аҳмад Шариф Чаудри.

Орадан бир неча соат ўтар-ўтмас, Покистон жавоб зарбаларини берди: бир қатор ҳинд ҳарбий объектлари йўқ қилинди, бир неча учоқлар уриб туширилди.

**ҲИМОЛАЙ УСТИДАГИ ЯДРОВИЙ СОЯ**

Энг катта таҳдид — ракета, балки ҳар икки томон ядровий қуролга эга эканида. Гап шундаки, Покистон қуроли кучлари ҳозир жиддий ўқ-дори етишмовчилигини бошдан кечирмоқда. Ҳарбий манбаларнинг таъкидлашича, мавжуд захиралар фақат тўрт кунлик ҳарбий ҳаракатларга етди, холос. Ҳиндистоннинг ANI ахборот агентлиги хабарига кўра, вазиятнинг бундай кескинлашуви асосий сабаб сўнгги йилларда Покистоннинг Украинага йирик ҳажмда қурол-аслаҳа сотишидир.

«Покистон армиясида артиллерия ўқ-дорилари борасида жиддий танқислик кузатилмақда. Бу эса уларнинг жанговар имкониятларини кескин чекламоқда. Сабаби — мамлакат Украина билан амалга оширган сўнгги қурол-яроғ келишувлари. Улар Покистоннинг ҳарбий омборларини деярли бўшапти қўйди», дейди ANI нашри.

Демак, агар анъанавий қурол-яроғ билан уриш имкони пасайса ва миллий суверенитетга жиддий таҳдид юзага келса, ядро уруши бошла-

# ДЕҲЛИ ВА ИСЛОМОБОДДА НИМА ГАПЛАР?

ниши ҳеч гап эмас. АҚШ, Россия, Хитой ва бошқа кудратли ядровий давлатлар «ўзаро кафолатланган йўқ қилиш» (Mutually Assured Destruction — MAD) стратегиясига таянади. Ушбу концепция ядровий қуролга эга давлатлар ўртасидаги мувозанат ва сўнгги чегара сифатида шаклланиган. Аммо Ҳиндистон ва Покистон бу концепциядан узокроқ, Уларда, айниқса, Покистонда «чегараланган, аммо ҳал қилувчи» ядровий зарба концепциясига яқин ёндашув мавжуд. Агар анъанавий урушда мағлубият хавфи сезилса, Покистон биринчи бўлиб ядровий зарба беришга қарор қилиши мумкин. Чунки Ҳиндистон расман «биринчи бўлиб ишлатмаслик» (No First Use — NFU) доктринасини қабул қилган. Покистон бу ҳужжатга қўшилмаган.

Бу Исломобод ўзини таҳдид остида деб ҳисобласа, биринчи бўлиб ядровий зарба бериш ҳуқуқини сақлаб қолганини аниқлатади.

Аввал ҳам таъкидланганидек, ядровий қурол захиралари бўйича икки давлатнинг имкониятлари деярли тенг: очик манбаларга кўра, Ҳиндистонда 180 та, Покистонда эса 170 та ядровий каллак мавжуд.

**ГЕОСИЁСАТ ВА ПРОКСИ ТЎҚНАШУВЛАР**

Тўғридан-тўғри қарама-қаршилик ортида геосиёсий гигантлар турибди. Ҳинд-Тинч океани минтақасида стратегик ҳамкорликини мустақамлашни мақсад қилган АҚШ Ҳиндистонни қўллаб-қувватламоқда. Хитой эса Покистоннинг аънаваний иттифоқчиси. У «Хитой — Покистон иқтисодий коридорига миллиардлар доллар инвестиция киритган ва Ҳиндистон экспансиясининг чекланишидан манфаатдор. Уруш эса ресурсларни жалғатиши, инвестициялар йўлини тўсиши ва Вашингтоннинг Ҳиндистонга «дунёнинг янги ишлаб чиқариш марказига» айлантириш режасини чип-лапка чиқариши мумкин.

Эрон ҳозирча стратегик сукут сақлаётти. Туркия эса Покистонни қўллаб-қувватлаб, Ҳиндистон ҳаракатларини қоралаб чиқди. Россия эҳтиёткор баёнотлари билан Деҳли ва Исломобод ўртасида мувозанат сақлашга интилмоқда.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ: БИЛВОСИ ТАҲДИДЛАР**

Марказий Осиё давлатлари тўқнашув оқибатларидан жабр кўриши мумкин бўлган ҳудудлар сирасига кириди. Ўзбекистон, Қозоғис-

тон ва Туркманистон энергия маҳсулотларини етказиб беришдаги узилишлар, Эрон, Покистон ва Афғонистон орқали ўтувчи маршрутларнинг бузилиши, қочқинлар оқимининг ортиши, урушаётган қайсидир томоннинг ёнини олиш учун босимлар кучайиши каби хавфлар билан юзма-юз қолиши мумкин. Бундай хатарлар барқарорлик, логистика ва транзит коридорларига катта сармоя киритаётган минтақанинг стратегик ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай шароитда Транскаспий йўли ёки Хитойнинг «Бир камар — бир йўл» ташаббуси каби ийрик лойиҳалар таҳдид остида қолиши шубҳасиз.

**АҚЛ ҚОЧГАНДА...**

«Дунё Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ҳарбий тўқнашувга йўл қўя олмайди», деди БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш. Дональд Трамп эса вазиятни «ҳар қандай миллат учун шармандалик» деб атади ва томонларни «эскалацияни тезда тўхтатишга чақирди».

Аммо бугун сўзининг ўзи етарли эмас. 2019 йилда ҳам бу икки давлат МИГ-21 учоғи уриб туширилганда уруш оstonасига келиб қолган. Ҳиндистон дипломатик ёндашувлар устун келганди. Бугунги ҳолат ҳам қарийб шундай, аммо томонлар анча дадил. Ҳиндистон буюк давлат маконида даъвогарлик қияляпти. Покистон эса амфикини сўзсиз мағлубият деб билди. Икки томон ҳам ўз сўзлари асирга айланган: икки босим, тарихий мерос ва популистик риторика уларни бурчакка тақаб қўйган.

**КАШМИР ЎЗИ ҚАНДАЙ ҲУДУД?**

Жамму ва Кашмир минтақаси Ўзбекистоннинг деярли ярмича келадиган, тахминан 222 000 квадрат километр майдонга эга макон бўлиб, Ҳиндистон, Покистон ва Хитой ўртасида бўлиниб кетган. Ҳиндистон ҳозир тахминан 55 фойз ҳудудни назорат қилади. Бунга Кашмир водийси, Жамму ва Ладакх минтақалари кириди. Покистон эса 35 фойз атрофидаги ерларни эгаллаб турибди. Бу Озод-Кашмир ва Гилгит-Болтистонни ўз ичига олади. Қолган 10 фойз ҳудуд Хитой назоратида. Покистон Аксайчин ва трансҳималай туманларидан иборат бу ҳудудни 1963 йили Хитойга берган.

Кашмир стратегик жиҳатдан Марказий Осиё-

га очиладиган дарвоза, гидрологик нуқтаи назардан Инд дарёси ҳамда бутун минтақадаги ийрик сув манбаларининг бошланиш нуқтаси, иқтисодий жиҳатдан эса туризм, тоғ-металл қазиб чиқариш ва логистика учун улкан салоҳиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Кашмирнинг Ҳиндистон назоратидаги қисмида 12-13 миллионга яқин аҳоли яшайди, уларнинг аксарияти — мусулмонлар. Покистон назоратидаги ҳудудларда эса 6 миллионга яқин аҳоли бор. Айнан шу демографик омил минтақадаги кескинлик манбаи ҳисобланади. Ҳиндистондаги миллатчи кучлар мусулмон Кашмирни «ҳали ечилмаган масала» сифатида қабул қилади. Покистон эса ушбу ҳудудни «субконтинентдаги мусулмон меросининг ажралмас қисми» деб ҳисоблайди.

**ЯДРОВИЙ УРУШНИНГ ЭҲТИМОЛИЙ ОҚИБАТЛАРИ**

2019 йилда Колорадо ва Рутгерс университетлари томонидан тайёрланган ҳамда Science Advances журналида чоп этилган тадқиқотларга кўра, агар ядровий зарбалар алмашинувида 100-150 та каллак қўлланилса, минтақада биринчи зарбадаёқ 50 миллиондан 125 миллионгача инсон ҳалок бўлади. Кейин эса глобал ядровий қиш бошланади. 16-36 миллион тонна атрофидаги кул атмосферага кўтарилади. Қўёш нури 20-35 фойзгача тўсиб қолинади; дунёдаги ўртача ҳарорат 3-5 градусгача пасаяди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш 10 йил ичида 10-40 фойзга қисқаради. Бу эса оочарчилик, миграция ва экологик ҳалокат деганидир.

Афсуски, бугун — фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги арафасида ушбу охиризмаман манзараси тахмин эмас, таҳдид шарпасига айланаяпти. Унинг эҳтимоли шиддатли эскалация, мулоқотнинг йўқлиги ва ички сиёсий инқирозлар шароитида янада ортиши мумкин. Бу уруш оқибатлари нафақат Жанубий Осиё, балки бутун дунёни қамраб олади. Урушчи, ғойибларсиз, инсониятнинг умумий мағлубиятига тенг уруш! Ҳиндистон ҳамда Покистон расмийлари бундай сценарийнинг юз бермаслиги учун барча дипломатик чора-тадбирларни қўллаши ва уруш алангасини сўндиришга ҳаракат қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Жаҳонгир **НАҲАНОВ**  
«ISHONCH»

**Мароқли дам олинг, азиз газетхон!**



Охунжон Мадалиев ижросида  
**«УНУТМОҚ ОСОНМАС БИЗЛАРНИ...»**  
қўшиғи

Сояман ортингдан эргашган,  
Ёстиқман туңлари дардлашган,  
Тушингман ўнгингга алмашган,  
Унутмоқ осонмас бизларни...

Ўзбекистон касбаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Федерациянинг Қашқадарё вилояти кенгаши раисининг ўринбосари Исоқ Аҳмедовга турмуш ўртоғи  
**Нигора ҚАРШИЕВА**  
вафот этгани муносабати билан таъзия билдиради.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),  
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»), Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
**Husan ERMATOV**

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43  
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34  
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66  
Samarqand viloyati — (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Abdonabi Haydarov

Musahhihlar: Dilorom Xudoyberganova, Umida Xudoyberganova

Sahifalovchi: Hasan Abdullajilov

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 258 442 ta

**Shundi: 6 252 nusxa**  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi —  
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;  
18 276 nusxasi  
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —  
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;  
7 915 nusxasi  
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —  
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511  
1 2 3 4 5 6